

5. Тхаркахова И.Г., Понокова Д.И. Формирование затрат на транспортные услуги, факторы, влияющие на себестоимость перевозок. *Ежеквартальный рецензируемый, реферируемый научный журнал «Вестник АГУ, сер. «Экономика»*. Выпуск 3 (225) 2018, 263-стр.

6. Kalonov M.B. O'zbekiston respublikasida transport xizmatlarini rivojlanish istiqbollari va xarajatlar hisobining nazariy asoslari. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 1, yanvar-fevral, 2019-yil.

7. Калинина Т.Б. Учет затрат и калькулирование себестоимости на автотранспортных предприятиях. // *Экономические науки*, 2013 г. 141-стр.

8. Urazov K.B., Vaxidov S.V. Boshqa tarmoqlarda buxgalteriya hisobining xususiyatlari. *Дарслик*. – Т.: Adib, 2011. -496 б.

9. Kalonov M.B. Korxonalarda daromadlar va xarajatlar hisobi hamda tahlili metodologiyasini takomillashtirish (avtotransport korxonalarini misolida). *Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc) Dissertatsiyasi avtoferati*. – Toshkent, 2019-y.

10. Потаскаева А.И. Особенности номенклатуры расходов организаций автомобильного пассажирского транспорта. *Евразийский Союз Ученых (ЕСУ) # 3 (48), 2018 | Экономические науки*, 54-стр.

11. Лавриков И.Н. Экономика автомобильного транспорта. Учебное пособие. – Тамбов: Изд-во ГОУ ВПО ТГТУ, 2011. – 116 с.

12. Гелюта И.В. Собенности формирования себестоимости транспортных услуг и отражения их в учете организации в сфере транспорта. «Наука. Мысль» электронный периодический журнал. *Научный журнал*. № 4. – 2017 г. 109 стр.

13. <https://stat.uz/ma'lumotlaridan-olindi>.



ИҚТИСОДИЙ ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРДА ГУДВИЛНИ АКС ЭТТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Нурматов Ориф Толибжанович -

Фарғона политехника институти доценти, PhD

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a22

Аннотация: Мақолада дунё мамлакатлари иқтисодиётларининг глобаллашуви жараёнлари, бунда компаниялар бирлашуви натижасида вуждуга келадиган гудвилнинг тарихи, уни актив сифатида тан олиш, кадрсиэланнишга текшириш, қайта баҳолаш, молиявий ҳисоб ва ҳисобда акс эттириш масалалари ёритилган.

Таянч тушунчалар: глобаллашув, трансмилий компаниялар, бизнес бирлашув, қўшиб олиш, гудвилл, ҳаққоний қиймат, амортизация, кадрсиэланниш, қайта баҳолаш, молиявий ҳисоб, молиявий ҳисобот, фойда, зарар.

ВОПРОСЫ ОТРАЖЕНИЯ ГУДВИЛЛА В ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ В ПРОЦЕССАХ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

Нурматов Ориф Толибжанович -

доцент Ферганского политехнического института, PhD

Аннотация: В статье описаны процессы глобализации экономик стран мира, история гудвила, возникающего в результате слияния компаний, признание его в качестве актива, тестирование на предмет обесценения, переоценка, бухгалтерский учет и вопросы бухгалтерского учета.

Ключевые слова: глобализация, транснациональные компании, объединение бизнеса, приобретение, деловая репутация, справедливая стоимость, амортизация, обесценение, переоценка, финансовый счет, бухгалтерская отчетность, прибыль, убыток.

ISSUES OF REFLECTION OF GOODWILL IN FINANCIAL STATEMENTS IN THE PROCESSES OF ECONOMIC GLOBALIZATION

Nurmatov Arif Talibjanovich -

Associate Professor, Fergana Polytechnic Institute, PhD

Abstract: The article describes the processes of globalization of the economies of the world countries, the history of goodwill arising as a result of the merger of companies, its recognition as an asset, impairment testing, revaluation, financial accounting and accounting.

Key words: globalization, multinational companies, business combination, acquisition, goodwill, fair value, amortization, impairment, revaluation, financial account, financial statement, profit, loss.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ривожланиши уни жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви жараёнларида бевосита иштирокига, хусусан юқори қийматли, якуний маҳсулот ишлаб чиқариб, халқаро савдонинг глобал таъминот занжирига қўшилишига боғлиқдир. Глобаллашув жараёнлари давлатлар, халқаро

ташкilot, хамжамият ва уюшмаларни биргаликда иқтисодий фаолликка интилиб, мамлакатлар аро савдо ҳамда инвестицион тўсиқларни олиб ташлаш, эркин савдо ҳудудларини ташкил қилиш асосида пайдо бўлади. Замонавий глобаллашувнинг асосий хусусиятлари капитал, товар ва хизматлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати,

инсон қобилиятларидан унумли фойдаланиш имкониятларининг ортишида намоён бўлади. Глобаллашув жараёни жаҳон иқтисодиётининг турли соҳаларини хусусан, ишлаб чиқариш омилларининг халқаро ҳаракатини, халқаро молия-кредит ва валюта операцияларини, ишлаб чиқариш, илмий-техникавий, технологик, инжиниринг ва ахборотлар соҳасидаги ҳамкорликни қамраб олади. Шунингдек глобаллашув молиявий, глобал трансмиллий компанияларнинг ҳосил бўлиши, иқтисодиётнинг минтақалашуви, жаҳон савдосининг ҳудудлар кесимида мустақамланиши, турли миллат ва элатлар удумлари ҳамда қадриятларини яқинлашиш йўналишларида юз бериши мумкин.

Глобаллашув жараёнлари ўз навбатида турли иқтисодий интеграцияларни, яъни маълум бир давлатлар ҳамкорлиги доирасидаги иттифоқ ёки тузилмаларни вужудга келишига сабаб бўлади. Иқтисодий интеграция - турли корхона ва тармоқларнинг, шунингдек, мамлакатларнинг ишлаб чиқариш соҳасида бир-бирига яқинлашуви, улар ўртасида узвий иқтисодий алоқалар ўнатилиши, мамлакатлараро ягона умумий хўжаликнинг шаклланиши жараёни. Иқтисодий интеграция бутун бир мамлакатлар миллий хўжаликлари даражасида, шунингдек, корхоналар, фирмалар, компаниялар, корпорациялар даражасида ҳам кузатилади. Иқтисодий интеграция ишлаб чиқариш, технологик алоқаларнинг кенгайиши ва чуқурлашувида, ресурслардан ҳамкорликда фойдаланиш, капиталларни бирлаштиришда ҳамда иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жараёнида бир-бирига қулай шароитларни яратишда, ўзаро тўсиқларни олиб ташлашда намоён бўлади.

Дунё мамлакатлари иқтисодиётининг глобаллашуви ўз навбатида трансмиллий компанияларни вужудга келишига сабаб бўлди. Трансмиллий компаниялар бош компания ва унинг хорижий филиалларини ўз ичига олувчи корхоналар тизимини ифодалайди. Бош компания бошқа давлатлардаги ўзининг хорижий филиаллари активини назорат қилади ва одатда уларнинг капиталида ўз улушига эга бўлади.

Адабиётлар таҳлили. “Глобаллашув” тунунчаси илк бор америкалик олим, Гарвард бизнес мактаби профессори Теодор Левитт (1925-2006) томонидан 1983 йилда чоп этилган “Бозорларнинг глобаллашуви” номли мақолада алоҳида иқтисодий термин сифатида қайд этилган. Олим глобаллашувни олдин тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада кўп кўрсаткичларга эга бўлган истеъмол товарлари стандартлашиши учун глобал бозорлар пайдо бўлиши билан боғлиқ янги тижорат воқелиги деб атаган.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашувини кучайиши мамлакатлар ўртасида иқтисодий интеграция жараёнлари билан бевосита боғлиқ.

Халқаро иқтисодий интеграция жараёнларини тадқиқ этиш, унда вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этиш ва мазкур жараённинг энг самарали шаклларини кўрсатиб беришга интилиш бу борадаги турли назарияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб келди. Бундай назариялар қаторида неолиберализм, корпорационализм, структурализм, неокейнсчилик, дирижистлик йўналиши кабиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Неолиберализм (1950-1960 йиллар) вакиллари В.Репке ва М.Аллэ таъкидлашича, тўлиқ интеграция деганда бир неча мамлакатлар миқёсида ягона бозор маконининг ташкил этилиши тушунилиб, бу маконда эркин рақобат ва бозорнинг стихияли кучлари амал қилиб, давлат сиёсати унга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Корпорационализм (намояндалари С.Рольф, Ю.Ростоу) XX асрнинг 60-йилларида пайдо бўлиб, бозор механизми ва давлат томонидан тартибга солишга қарама-қарши ҳолда трансмиллий корпорацияларнинг фаолият кўрсатиши халқаро иқтисодиётнинг интеграциялашувини, унинг рационал ва мувозанатли ривожланишини таъминлашга қодирлиги тўғрисидаги ғояларни илгари сурди.

Структурализм (асосий вакили Г.Мюрдаль) йўналиши тарафдорлари товарлар, капитал ва ишчи кучи ҳаракатининг тўла либераллашуви ғоясига қарши чиқиб, бозор механизмининг эркин амал қилиши ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва жойлашувида маълум номутаносибликларни, даромадлардаги тенгсизликнинг чуқурлашувини келтириб чиқаради, деб ҳисоблайдилар.

Неокейнсчилик (асосий вакили Р.Купер) йўналиши халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг марказий муаммосини мамлакатларнинг эркинлигини максимал даражада сақлаб қолган ҳолда интеграция жараёнларидан олинандиган турли туман нафлиликни кўпайтиришга асосий эътибор қаратган

Неокейнсча йўналишнинг яна бир кўриниши дирижизм (асосий вакили Я.Тинберген) бўлиб, унинг намояндалари интеграция жараёнларида бозор механизмининг ҳал қилувчи ролини инкор этадилар. Улар халқаро иқтисодий тузилмаларнинг ташкил этилиши ва амал қилиши интеграциялашаётган мамлакатлар томонидан умумий иқтисодий сиёсатнинг ишлаб чиқилиши, социал қонунчилик бўйича келишув, кредит сиёсатининг мувофиқлаштирилиши асосида амалга оширилиши мумкин деб ҳисоблайдилар.

Дунё мамлакатлари иқтисодиётининг глобаллашуви ва интеграциялашуви жараёнлари йирик трансмиллий компаниялар ва корпорацияларни вужудга келишига сабаб бўлди. Бизга маълумки трансмиллий компаниялар ва корпорациялар асосан бир неча компанияларни бир-

лашиши ва бири томонидан иккинчисини сотиб олиниши натижасида шаклланади. Бизнес бирлашувлари, бир компания томонидан иккинчи компанияни тўлиқ ёхуд қисман сотиб олиниши жараёнларида (одатда сотиб олинаётган объектни бозор қийматидан юқори қийматга сотиб олинганда) сотиб олувчи ёки назорат қилувчи компаниялар молиявий ҳисоботида акс эттирилиши лозим бўлган активлар таркибига кирувчи **гудвилл** шаклланади.

“Гудвилл” атамаси хорижий олимлар томонидан киритилган ва инглиз тилидан таржима қилинганда “яхши ният” маъносини билдиради. Гудвилл атамасини вужудга келиши ва бу бўйича дастлабки таърифлар XV асрга тўғри келади. Бир қатор хорижий тадқиқотчилар, хусусан россиялик олимлар Я.В.Соколов ва М.Л.Пятов томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра гудвилл 1471 йилда биринчи марта инглиз тижорат амалиётида юзага келган[1].

Гудвиллнинг умум қабул қилинган, кенг қамровли назарияларига 1900-йилларнинг бошидан буён олим ва тадқиқотчилар томонидан томонидан муҳокама қилиб келинган. Хуйман Канер(1896-1973) ўзининг 1937 йилда чоп этилган “Гудвиллни янги назарияси” (A New Theory of Goodwill) китобида қайд этишича, “шу пайтгача гудвилл бўйича мавжуд назариялар илмий бўлмаган, улар илм-фанга эмас, балки тахминларга асосланиб қурилган”[2].

Инглиз олими П.Д. Леаке “Commercial Godwill” номли асарида (1921) гудвиллни “фойда, қийматни ошириш ёки бошқа иқтисодий нафларга эришиш учун ўтмишдаги барча ҳаракатлар натижасида юзага келадиган ҳуқуқ”[3] деб таърифлайди. П.Д.Леаке илгари сурган назарияни мазмуни бу даромадлар пайдо бўлиши кутилаётган маълум вақт оралиғида харидорнинг келажакдаги даромадларига нисбатан гудвиллни ҳисобдан чиқаришдир.

Уилям А. Патон ва А.С. Литтлетонлар ҳаммуаллифдаги “Корпоратив бухгалтерия ҳисоби стандартларига кириш”(An Introduction to Corporate Accounting Standards)[4] номли монографияси (1940)да Леакенинг назариясини қўллаб-қувватлайди ва унинг гудвилл амортизацияси бўйича мантиқий қарашларини давом эттирадилар ҳамда гудвилл келажакда олинадиган даромаднинг бир қисми учун аванс тўлови эканлигини, гудвилл билан боғлиқ бўлмаган реал даромадларни баҳолаш учун гудвилл келажакдаги даромадлардан ҳисобдан чиқарилиши кераклигини тушунтирадилар.

Роберт Х.Нелсон 1953 йилда The Accounting Review журналыда “The Momentum Theory of Goodwill” номли мақоласида гудвилл бўйича ўз қарашларини баён этган[5]. Роберт Х.Нелсон гудвиллни вужудга келиши бўйича “бизнесмен аннуитет ўрнига реклама қийматини сотиб

олади ва бу “қиймат” импульс каби тарқалади” деган гипотезани илгари сурди.

Айрим тадқиқотчилар гудвиллни таркибий қисмлари, яъни уни вужудга келишига сабаб бўлган омиллар орқали таҳлил қилиш назариясини илгари сурганлар. Хусусан Уэйн Лонерган мазкур назария асосчиси ҳисобланади. У ўзини “Гудвилл ва салбий қарашлар: “Амортизация борасидаги мунозараларда ҳақиқат ва муболағалар”(Goodwill and bad ideas: fact and fiction in the amortisation debate) мақоласида (1995 й.) гудвиллнинг таркибий қисмларга ажратиш ғоясининг илгари суриб, гудвилл учун мажбурий, аниқ амортизация даврини аниқлашни мақсад қилган. Унинг фикрича, амортизация даврини тўғри топиш учун гудвилл бўйича жамланган элементлар таркибини аниқ билиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Уэйн Лонерган назариясини давомчиси Мартин Блум гудвиллнинг таркибий қисмларини баъзи бир тузатишлар билан тақдим этган. Блумнинг гудвилл таркибий қисмлари бўйича рўйхати мукамалроқ, чунки у Лонерган рўйхатидаги таркибга кўшимча қиймат элементини киритган. Блумни таъкидлашича, Уэйн Лонерган илгари сурган ҳар бир компонентни тўртта тоифадан бирига тақсимлаш назарияси гудвиллни амортизация муддатларини аниқлашда ўзбошимчалик билан қабул қилинадиган самарасиз қарорларни олдини олади.

Немис бухгалтерия мактаби вакили, таниқли иқтисодчи олим И.Ф.Шер (1846-1924) ўзининг машҳур “Бухгалтерия ва баланс” китобида гудвиллга “компанияни сотиб олишда унинг активларини баланс қийматига нисбатан ортиқча тўланган ҳаёлий актив” деб таъриф берган. У гудвиллни баланснинг алоҳида хусусиятга эга бўлган моддаси сифатида акс эттиришни тавсия этган. Унинг фикрича, гудвилл капиталнинг кўпайиш жараёни ва у компанияларнинг бирлашиши натижасида вужудга келади.

Англиялик яна бир олим Л.Р.Дикси (1864-1932) гудвиллни тан олиш учун 4 та шарт бажарилиши лозимлигини таъкидлайди:

1) Бизнесни илгари амалга оширилган жойда олиб бориш;

2) Сотиб олинган компанияни эски номидан фойдаланиш ва собиқ мулкдорларни қонуний вориси эканлигини намойиш этиш;

3) Собиқ мулкдорлар ва уларни ворислари билан сотиб олинган компания жойлашган ҳудудда ва маълум вақт оралиғида ўзаро шу соҳада рақобатлашмаслик;

4) Сотиб олинган корхонани барча хужжатлари, хусусан мижозлар рўйхати ва манзиллари бўйича тўлиқ назорат ўрнатиш.

Шунингдек Л.Р.Дикси ҳар бир фойдали бизнесда гудвилл мавжудлигини ва бу гудвилл-

нинг қиймати вақт ўтиши билан маълум бир соҳада ўртача олинadиган фойдага тўғридан-тўғри мутаносиб равишда ўзгаришини, ammo бу тарздаги гудвилл бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олинмаслигини, ҳисобда фақат компанияни сотиб олишда олинган гудвилл акс эттирилиши лозим деб ҳисоблайди. У гудвиллнинг актив эканлигини, лекин бу актив балансда исталмаган тарзда акс эттириладиган актив эканлигини таъкидлаб, гудвиллни шундай таснифдаги актив сифатида акс эттиришни таклиф қилган.

Бухгалтерия ҳисобининг яна бир йирик назариётчиларидан бири Э.Шмаленбах гудвилл ҳисобига вужудга келадиган фойдани биринчи рақамли тижорат фонди деб тушунтиради. Э.Шмаленбахнинг фикрича, компания қўшимча фойдани жамоа ишини оптималлаштириш ҳисобига олади. Гудвилл ҳисобини акс эттириш юзасидан Э.Шмаленбахнинг ёндашуви қуйидагича:

- қўйилган капитал юзасидан олинadиган даромад ўртача тармоқ кўрсаткичидан ортмайди;

- фойда ходимлар билан ишлашнинг алоҳида хусусиятлари ҳисобига вужудга келади, бу эса гудвиллнинг пайдо бўлиши фақат ходимлар сабабчи эканлигини билдиради;

- кутилаётган ортиқча фойда, бу режаларни муваффақиятли амалга ошириш натижасида капиталга айланадиган захирадир;

- гудвилл компания олди-сотдисида эмас, балки компания томонидан ўз маҳсулотларини сотиш жараёнида пайдо бўлади.

Мамлакатимиз олимларидан профессор И.Исманов Э.Шмаленбахнинг гудвилл бўйича ёндашувларидан ташқари қуйидаги омиллар мавжудлигини таъкидлайди:

- “ишончли ва синалган таъминотчилар гуруҳининг мавжудлиги;

- ишончли ва синалган доимий харидорларнинг борлиги;

- юқори самара бериши мумкин бўлган коммуникацияларнинг мавжудлиги;

- бозорга яқинлиги;

- хомашё базасига яқинлиги;

- алоҳида хусусиятларга эга бўлган анъаналарнинг мавжудлиги ва ҳоказолар”[6].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, илмий абстракциялаш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги вақтда жаҳон иқтисодиётида интерациялашув бўйича икки йўналишни кузатиш мумкин. Биринчи йўналишда мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши, халқаро савдонинг эркинлашуви, коммуникация ва ахборот замонавий тизими, техник жиҳатдан жаҳон андозалари ва меъёрларининг яратилиши натижасида

жаҳон хўжалигининг яхлитлиги, унинг глобаллашуви кучаймоқда. Айниқса, бу жараён трансиллий корпорацияларнинг фаолиятлари орқали аниқ намоён бўлмоқда. Дунёнинг йирик трансиллий компанияларига мисол қилиб **Walmart, Amazon.com, Exxon Mobil, Apple, CVS Health, Ford Motors** каби корпорацияларни кўрсатиш мумкин. АҚШнинг **Fortune** журнали ҳар йили дунёнинг йирик трансиллий компаниялари топ 100 талик рўйхатини тузади ва эълон қилади[7].

Иккинчи йўналишда, минтақавий даражада мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан яқинлашуви ва ўзаро алоқадорлиги рўй бериб, жаҳон хўжалигининг нисбатан мустақил марказларини ташкил этиш йўналишида ривожланаётган йирик минтақавий интеграцион тузилмалар шаклланимоқда. Буларга Европа давлатлари иттифоқини(ЕИ), Евроосиё иқтисодий иттифоқи, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти(ШХТ), Жаҳон савдо ташкилоти(ЖСТ), нефтни экспорт қилувчи мамлакатлар иттифоқи(ОРЕК) ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

XX аср ўрталаридан бошлаб дунё мамлакатлари иқтисодиётининг глобаллашуви ва интерациялашуви ўз навбатида жаҳонда юзлаб трансиллий компанияларни вужудга келишига сабаб бўлди. Трансиллий компаниялар бош компания ва унинг хорижий филиалларини ўз ичига олувчи корхоналар тизимини ифодалайди. Бош компания бошқа давлатлардаги ўзининг хорижий филиаллари активини назорат қилади ва одатда уларнинг капиталида ўз улушига эга бўлади. Масалан, Соса-сола компаниясини Ғарбий Европанинг 13 давлатида ва Шарқий Европа, Жанубий Америка, Африка, Австралия қитъаларидаги 15 та давлатда филиаллари мавжуд. Бу бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи компанияни дунё бўйлаб жойлашишига мисол бўлади.

Яна шундай корпорациялар мавжудки улар эгалик ёки назорат қиладиган компаниялар турли ассортиментдаги, ном(бренд)даги бир-биридан фарқ қиладиган маҳсулот ёхуд хизматларни ишлаб чиқарадилар. Масалан, АҚШнинг энг йирик трансиллий корпорацияларидан бири **Morgan Stanley** 2018 йил ҳолатига бошқа компанияларнинг 385,85 миллиард долларлик акцияларига эгалик қилган. Бу компания асосан банк-молия соҳасида фаолият юритсада, молия, технология, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, саноат ва энергетика соҳаларида фаолият юритадиган компаниялар улушига эгалик қилади.

Одатда, мураккаб иқтисодий вазият ша-роитларида бирлашиш ва қўшиб олишлар компаниялар фаолиятини барқарор фаолияти учун алоҳида ахамият касб этади. Нисбатан йирик ва молиявий барқарор компаниялар бозорда янада рақобатбардош бўлган компанияни ташкил

этиш мақсадида нисбатан кучсиз бўлган компанияларни харид қилишга ҳаракат қилади. Бундан ташқари компаниялар бозорда ўз улушини кўпайтириш ёки ўз самарадорлигини ошириш мақсадида ўзаро бирлашадилар. Ушбу потенциал устунликлар туфайли сотилувчи компаниялар кўп ҳолларда бозордаги рақобат муҳитида жон сақлаб қола олишларига кўзлари етмайдиган шароитда ўзларини бошқа компаниялар харид қилиб олишига рози бўладилар.

Одатда, кўпчилик омма компаниялар ўртасидаги бирлашиш ва қўшиб олишларни синоним атамалар ва бутунлай бир хил жараёнлар сифатида қабул қилади. Аслида эса ушбу икки атама ўртасида маълум фарқлар мавжудки, ушбу фарқлар ушбу икки атаманинг ҳар бирининг ўз “имзоси” қандай кўриниш олишини белгилаб беради.

Қачонки бир компания бошқа бир компания устидан назоратни ўрнатса ва ўзини ушбу компаниянинг янги хўжайини, деб эълон қилса, бу битим **қўшиб олиш** деб аталади. Юридик нуқтаи назардан, харид қилиб олинган компания фаолияти тугайди, харид қилган компания эса

харид қилинган компаниянинг бутун бошли бизнеси ва акцияларини “ютиб юборади”. Харид қилган компания акциялари эса фонд бозорида муомалада бўлишда давом этади. Бирлашиш жараёнида эса икки компания, кўп ҳолларда тахминан бир хил ҳажмдаги компаниялар, ўз бизнесини битта компанияга бирлаштирган ҳолда давом эттиришга қарор қиладилар.

Амалиётда бир-бирига тенг бўлган компаниялар ўртасида бирлашиш кўпроқ кузатилади. Кўпинча бир компания бошқа бир компанияни сотиб олади ва келишган ҳолда харид қилинган компаниянинг компаниялар ўзаро бирлашди, деб эълон қилишига розилик беради, аслида эса бир компания бошқасини қўшиб олган бўлади. Компания учун унинг бошқа бир компания томонидан харид қилиниши унинг ўзи билан тенг бўлган шерик ёки рақобатчи компания билан бирлашишига қараганда унинг нуфузига салбий таъсир кўрсатади, Шу сабабли, харид қилинган компаниянинг топ менежменти ушбу жараённи компания нуфузига путур етказмайдиган қилиб амалга оширишга интилади.

5-жадвал

2020 йилда амалга ошган дунёни компаниялари бизнес бирлашувлари
бўйича йирик битимлар

№	Бирлашиш ёки сотиб олиш амалга оширилган сана	Сотиб олувчи ёки “она” компания	Сотиб олинган ёки шўъба корхона	Битим қиймати, долл.
1.	09.01.2020	Insight Partners	Veeeam	5 млрд.
2.	13.01.2020	Visa	Plaid	5,3 млрд.
3.	09.01.2020	Insight Partners	Veeeam	5 млрд.
4.	04.02.2020	Koch Industries	Infor	11 млрд.
5.	21.02.2020	Morgan Stanley	ETrade	13 млрд.
6.	25.02.2020	Salesforce	Vlocity	1,3 млрд.
7.	28.02.2020	Intuit	Credit Karma	7,1 млрд.
8.	07.04.2020	SoFI	Galileo	1,2 млрд.
9.	04.05.2020	Nvidia	Mellanox	6,9 млрд.
10.	04.05.2020	Intel	Moovit	1 млрд.
11.	26.06.2020	Amazon	Zoox	1,2 млрд.
12.	06.07.2020	Uber	Postmates	2,7 млрд.
13.	13.09.2020	Nvidia	Arm	40 млрд.
14.	12.10.2020	Twilio	Segment	3,2 млрд.
15.	27.10.2020	AMD	Xilinx	35 млрд.
16.	29.10.2020	Marvell Technology	Inphi	10 млрд.
17.	10.11.2020	Adobe	Workfront	1,5 млрд.
18.	30.11.2020	Facebook	Kustomer	1 млрд.
19.	01.12.2020	Salesforce	Slack	27,7 млрд.
20.	14.12.2020	Vista Equity Partners	Pluralsight	3,5 млрд.

Бир компаниянинг бошқа бир компанияни харид қилиш жараёнини ҳар икки компаниянинг бош директорлари ўз компаниялари учун келгусида потенциал устунлик мавжуд бўлишини тушунган ҳолда уларни бирлаштиришга қарор қилишса бу ҳолатни бирлашиш деб ҳам аташ мумкин.

Бирлашиш ва қўшиб олиш битимларини таърифлаш ва таснифлашда иқтисодий адабиёт-

ларда турлича ёндашувлар мавжуд. Тор тушунча доирасида олиб қаралганда **бирлашиш** деб, икки ёки ундан ортиқ компаниянинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини қайта тузиш жараёни доирасида янги юридик шахсга ўтиш тушунилади. Масалан, 1998 йилда Германиянинг Даймлер-Бенц (Daimler-Benz) компанияси ва АҚШнинг Крайслер (Chrysler) компаниялари

бирлашиб, Даймлер- Крайслер АЈ номи билан 2007 йилгача фаолият юритган.

Ўз навбатида, бир ёки бир нечта компания фаолиятининг тугатилиши ва уларнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа бир юридик шахсга ўтказилиши қўшиб олиш ҳисобланади. Қўшиб олишлар (Acquisitions) – бир компаниянинг бошқа бир компанияни ўз назорати остига олиши, унга бўлган мутлоқ ёки қисман эгалик ҳуқуқини қўлга киритган ҳолда уни бошқариши тарзида намоён бўлади. Жуда кўп ҳолларда қўшиб олишлар қўшиб олинган компаниянинг бозордаги акцияларини сотиб олиш йўли билан амалга оширилади. Масалан, 2001 йилда АҚШнинг «Женерал Моторс» компанияси Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорацияси автомобил соҳасидаги компанияларни 35 фоиз акцияларни сотиб олиш орқали Ҳиндистон, Бразилия ва дунёнинг турли давлатларидаги автомобил соҳасидаги корхоналарни ўз таркибига қўшиб олган.

Жаҳон ва мамлакатлар миқёсида компанияларни бирлашиши ёки бир компания томонидан иккинчи компанияни сотиб олиниши кўп ҳолларда активларни замонавий шакли бўлган гудвиллни вужудга келишига сабаб бўлади. Бу ўз навбатида бухгалтерия ҳисобининг муҳим объекти сифатида гудвиллни молиявий ҳисоб ва ҳисоботларда акс эттириш ҳамда у бўйича ахборотларни очиб бериш масалаларини ҳозирги куннинг долзарб мавзусига айлантирди. Гудвиллнинг табиати, ўзига хос активлиги, бу бўйича мунозарали қарашларни мавжудлиги гудвилл ҳисобини ташкил этиш ва юритиш борасида тизимли илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Бунинг учун биз аввало гудвилл ҳисобини тартибга солувчи молиявий ҳисобни халқаро стандартларини, ривожланган мамлакатлар молиявий ҳисоб стандартлари, собиқ иттифоқ давлатлари молиявий ҳисоб стандартлари ва мамлакатимиз бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларни ўрганишимиз, таҳлил қилиб чиқишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Гудвиллни ҳисобга олиш 144 дан ортиқ мамлакатда қўлланиладиган МҲХС тизимида бир неча стандартлар билан тартибга солинади. Гудвиллни дастлабки тан олиш 3-сонли “Бизнес бирлашувлари” номли МҲХС(IFRS) билан, унинг кадрсизланишга текшириш 36-сонли БҲМС(IAS) билан, айрим жиҳатлар ва ички яратилган гудвиллни тан олмаслик масалалари “Номоддий активлар” номли 38-сон БҲМС(IAS)да юритилади. АҚШнинг GAAP тизимида эса гудвилл ҳисоби, уни кадрсизланишини аниқлаш ва ҳисоботда акс эттириш тартиблари 142-сон “Гудвилл ва бошқа номоддий активлар” номли молиявий ҳисоб стандартида тартибга солинади. Россия давлатида эса “Номоддий активларни ҳисобга

олиш” номли 14/2000-Бухгалтерия ҳисоби йўриқномаси (ПБУ) билан тартибга солинади.

Хўш, мамлакатимизда гудвиллни вужудга келиши, уни ҳисобга олиш, кадрсизланишга текшириш масаласи қай ахволда?

Ўзбекистонда гудвилл бўйича тушунчалар мустақиллик йилларида, аниқроғи 1990 йилларнинг охирида юзага келган. 1998 йилда қабул қилинган 7-сонли “Номоддий активлар”[8] номли Бухгалтерия ҳисобини миллий стандартида гудвилл “фирма баҳоси” сифатида талқин қилинган. Лекин бу стандартда гудвилл номоддий активлар таркибида алоҳида кўрсатилмаган. Мазкур стандартнинг 2005-йилдаги таҳририда номоддий активлар таркибида алоҳида ажратиб кўрсатилган. Бу стандартга 2009, 2013, 2016, 2017, 2021 йилларда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган. Лекин бу ўзгаришларда гудвиллнинг таърифи, уни вужудга келиши ва ҳисобда акс эттириш, амортизацияси ёки кадрсизланиши бўйича халқаро стандартлар талабига мос етарли даражада ахборотлар ёхуд тавсиялар берилмаган.

Мамлакатимизда фонд бозорини ривожланмаганлиги, фуқаро ва тадбиркорларда компанияларга эгалик қилиш, бизнесни бирлаштириш ёхуд сотиб олиш бўйича кўникмаларни етарли даражада шакллланмаганлиги гудвиллни тан олиш, уни молиявий ҳисоботларда акс эттириш масалалари муҳим аҳамият касб этмаган. Гудвиллга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тушунарсизлиги айрим акциядорлик жамиятларида уни тан олиш, ҳисобдан чиқариш ва молиявий ҳисоботларда акс эттиришда бизнингча хатоликлар содир этилган. Масалан, Фарғона Азот акциядорлик жамиятида активларни қайта баҳолаш ва қўшимча акциялар эмиссия қилиниши натижасида корхона балансида 2005 йилда 35 152 665 633,72 сўм (23,435 млн. АҚШ доллари)лик “гудвилл” юзага келган.

Бу эса МҲХСлари талабларига мос келмайди. Чунки гудвилл фақат компания сотиб олинганда пайдо бўлади ва ички яратилган гудвилл актив сифатида тан олинмайди ҳамда балансида акс эттирилмайди. Ваҳоланки ФарғонаАзот АЖ бирорта корхонани бозор қийматидан қимматроққа сотиб олмаган, фақат ўз активларини қайта баҳолаб қўшимча акциялар ишлаб чиқарган. Бунда катта эҳтимол билан фақат акциядорлар сони ва таркиби ўзгарган холос. Бу ҳолат мамлакатимиздаги бир қанча акциядорлик жамиятларида содир бўлган.

Шунингдек, ФарғонаАзот АЖга тегишли “гудвилл” йиллар давомида бир текисда ҳисобдан чиқариб келинган. Бу корхона харажатларини ортишига, давлатга тўланадиган фойда солиғи ҳажмига салбий таъсир кўрсатган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4611 сонли қарорига кўра 2021 йил

якунлари бўйича молиявий ҳисоботлар МХХС талаб(мезон)лари асосида тайёрланиши лозим эди. Лекин корхоналарда молиявий ҳисоботларни МХХСлар асосида тайёрлаш кўникма ва малакасига эга мутахассисларни етишмаслиги натижасида йиллик молиявий ҳисоботлар ўз вақтида тайёрланмади. Шу сабабли молия вазирлиги томонидан ҳисобот топшириш муддати узайтириб ҳам берилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан МХХСларига мувофиқ намунавий счётлар режаси таклиф қилинган. Бу счётлар режасида 1100-Номоддий активлар туркуми берилган ва бу туркумни ичида 1110-Гудвилл счёти берилган.

Хулоса ва таклифлар. Хозирги кунларда Ўзбекистонда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларнинг мақсади иқтисодиётни эркинлаштиришга, инвестицион муҳитни ва экспорт салоҳиятини яхшилашга қаратилган. Мамлакатда инвестицион муҳитни яхшиланиши иқтисодиётга инвестициялар оқими кўпайишига, янги юқори технологияли корхоналарни барпо этилиши, мавжудларини замонавий техника-технология билан қуролланишига сабаб бўлади. Мазкур корхоналарда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши жаҳон бозорига кириб борилиши, компанияни ўз имижига ва бренди яратилишига олиб келади. Замонавий иқтисодиётда таниқли компанияларни бирлашиши ёки уларни бири томонидан иккинчиси томонидан сотиб олиниши оддий бир ҳол. Бу жараёнларда эса табиийки, гудвилл пайдо бўлади.

Гудвилл – алоҳида таҳлил қилиш ёки тўғридан-тўғри ўлчаш қийинроқ бўлган номоддий активлар учун турли тоифадир. Мижозларнинг

содиклиги, бренд обрўси ва бошқа миқдорий бўлмаган активлар гудвил сифатида ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб гудвилга қуйидагича характеристика бериш мумкин:

1. Гудвил бизнесдан мустақил равишда мавжуд бўлолмайди, уни алоҳида сотиш, сотиб олиш ёки ўтказиш мумкин эмас.

2. Гудвилл компания бозор қийматидан юқори қийматда сотиб олингандагини содир бўлади.

3. Гудвил чексиз фойдаланиш муддатига эга.

4. Гудвил фақат иккита компания қўшилиш ёки сотиб олишни тугатгандан сўнг балансда намоён бўлади. Агар компания бошқа фирмани сотиб олган бўлса, у мақсадли идентификация қилинадиган активларнинг соф қийматидан юқори ва ундан ортиқ тўлаган ҳар қандай нарса балансда гудвилга айланади.

5. Компаниялар бири томонидан иккинчиси сотиб олинганда ёки улар бирлашишганда гудвиллни тан олиш учун фирма номи, белгиси, уларда ишлаб чиқариладиган товарлар ёки кўрсатиладиган хизматлар номи, тури ўзгармаслиги зарур.

МХХС мезонлари асосида ишлаб чиқилган счётлар режасидаги “1100-Номоддий активлар” счётлар туркуми молиявий ҳисоботда гудвиллни алоҳида кўрсатилишини таъминламайди ва корхона активлари тўғрисида аниқ маълумотлар берилишига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун гудвиллни номоддий активлардан ажратиш, алоҳида акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://globalcorporations.ru/100-krupnejshih-korporatsij-2020/>
2. H.Kaner. A New Theory of Goodwill. 1937. London. Sir Isaac Pitman And Sons Limited.
3. P.D.Leake. Commercial Godwill. 1921. London. Sir Isaac Pitman And Sons Limited. Page 14.
4. William A. Paton and A. C. Littleton. An Introduction to Corporate Accounting Standards. American Accounting Association. 1940.
5. Robert H. Nelson. The Momentum Theory of Goodwill. The Accounting Review Vol. 28, No. 4 (Oct., 1953), pp. 491-499 (9 pages) Published By: American Accounting Association
6. Исманов И.Н. Узоқ муддатли активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш масалалари. И.Ф.Д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. 2009 й. 95-96 бет.
7. <https://globalcorporations.ru/100-krupnejshih-korporatsij-2020/>
8. 7-сонли “Номоддий активлар” номли БҲМС. 12.10.1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан №49 буйруққа асосан тасдиқланган/ 20.10.1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган.
9. 3-сонли “Бизнес бирлашувлари” номли МХХС(IFRS)
10. 36-сонли “Активларни қадрсизланиши” номли БҲХС(IAS)
11. 38-сонли “Номоддий активлар” номли БҲХС(IAS)
12. “Номоддий активларни ҳисобга олиш” номли 14/2000-Бухгалтерия ҳисоби йўриқномаси (ПБУ). Россия. 142-сон “Гудвилл ва бошқа номоддий активлар” номли ГААР. АҚШ.
13. Qurbanov, Z., & Isaev, F. (2017). Иқтисодий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar, (1), 321–328. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9190
14. Исмаев Ф. (2021). Совершенствование методики расчета налоговой нагрузки. // Экономика и образование, (6), 86–91. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/286>
15. Исмаев Ф. Камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлилдани фойдаланиши такомиллаштириш. // Экономика и образование. – 2021. – №. 4. – С. 172-176.
16. Қурбанов З.Н., Исмаев Ф.И. Налоговый анализ как новое направление экономического анализа. //Актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организации. – 2017. – С. 246-254.
17. Isaev F. (2017) Солиқ имтиёзларининг солиқ юки кўрсаткичига таъсири таҳлили. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar, (6), 294–301. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9579

18. Исаев Ф. И. Солиқларни таҳлика-таҳлил қилиш методикаси. //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. – 2021.
19. Isaev, F. (2021). Мол-мулкни солиққа тортишни такомиллаштириш. *Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar*, (6), 326–333. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224
20. Исаев Ф. (2022). Солиқ таҳлилни ўрганиш зарурати. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/720>
21. Курбанов З., Исаев Ф. Солиқ ҳисоби ва солиқ ҳисоботининг баъзи масалалари. //Экономика и образование. – 2022. – Т. 23. – №. 4. – С. 190-196.
22. Исаев, Ф. (2022). Ресурс солиқлари таҳлилни ташкил этиш методикаси. // *Iqtisodiyot va ta'lim*, 23(5), 171–176. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>
23. Isaev F. I. Tax Accounting: Theory and Practice // *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*. – 2022. – Т. 9. – №. 12. – С. 30-38.
24. Ikromovich, Isayev Fakhridin. "Concept of economic analysis and its structural components." *International Journal of Marketing and Technology* 7.12 (2017): 1-13.
25. Ikromovich, Isayev Fakhridin. "Analysis of the profit tax and its improvement." *International Journal of Research in Social Sciences* 7.12 (2017): 74-85.



МОНОПОЛ КОРХОНАЛАРДА ДАРОМАДЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ ВА ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Зурапов Али Уткирович -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил изланувчиси

[doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a23](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a23)

Аннотация: Ушбу мақолада республикамиз иқтисодиётида монопол ҳисобланган корхоналарнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда иқтисодиётдаги ижобий томонлари ёритиб берилган. Шунингдек, технологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда даромадларни шакллантириш тартиби ва ҳисобини такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: табиий монополия, даромадларни тан олишнинг “ҳисоблаш” усули, “касса” усули, маҳсулот сотишдан кўрилган даромад, асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари, молиявий фаолият даромадлари, фавқуллода даромадлар.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПОРЯДКА ФОРМИРОВАНИЯ И УЧЁТА ДОХОДОВ В МОНОПОЛЬНЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ

Зурапов Али Уткирович -

Ташкентский государственный экономический
университет, соискатель

Аннотация: В данной статье раскрывается специфика предприятий, которые являются монополистическими в экономике нашей республики, а также ее положительные аспекты в экономике. Также были разработаны предложения по совершенствованию процедуры и учета формирования доходов на основе технологических характеристик.

Ключевые слова: естественная монополия, методы признания дохода «метод начисление» и «кассовый метод», доход от реализации продукции, прочие доходы от основной деятельности, доход от финансовой деятельности, чрезвычайный доход.

IMPROVING THE PROCEDURE FOR THE FORMATION AND ACCOUNTING OF INCOME IN MONOPOLY ENTERPRISES

Zurapov Ali Utkirovich -

Tashkent State University of Economics, candidate

Abstract: This article reveals the specifics of enterprises that are considered monopolistic in the economy of our republic, as well as its positive aspects in the economy. Also, proposals have been developed to improve the procedure and accounting of income formation based on technological characteristics.

Keywords: natural monopoly, methods of income recognition "accrual method" and "cash method", income from sales of products, other operating income, income from financial activities, extraordinary income.

Кириш. Жаҳон амалиётида монопол корхоналар тизимида харажатларни бошқариш, моддий харажатларнинг таркибий таҳлили, бошқарув ҳисобини ташкил этиш, харажатларни бошланғич ҳисоб хужжатлари маълумотларини умумлаштириш, харажатларни бошқариш ва

ҳисобга олишда ахборот-таҳлил маълумотлар базасини ўрганиш, кам харажатли юқори самарадор лойиҳалар ишлаб чиқишнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда.